



Яра ва касалликнинг давоси фактат бу харомларнинг бирининг кўлланишига боғлик бўлиб колган холат хакида фукахоларнинг фикрлари турличадир. Баъзилар даво заруратини очлик зарурати кадар муҳим деб билмайдилар ва далил сифатида Имом Бухорий Ибн Масъуддан ривоят килган шу хадисини келтирадилар: "Аллоҳ таоло шифоларингизни сизга харом килинган нарсаларда колдирган эмасдир".

Баъзилар эса даволаш заруратини очлик холатидаги сингари зарурий деб биладилар. Зеро хар иккиси хам хаётнинг давомийлиги жихатидан муҳимдир. Бундай караш тарафдорлари эса, Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи вассалом ипак умуман харом эканлигини билдирган холда кичима касаллигига чалинган Абдурахмон ибн Авф ва Зубайр ибн Аввом разияллоҳу анхуларга ипак кийим кийишга рухсат берилганлигини далил сифатида кўрсатадилар. (Бу хакда "Кийим ва безак" бўлимида батафсил сўз юритамиз).

Балки бу фикр ўзининг хар васият ва дастурида инсон хаётини биринчи ўринга кўядиган

Ислом динининг умумий рухига янада якиндири.

Аммо харом бўлган бир нарсани дори ўларок кўллашликнинг баъзи шартлари бор:

1. Буни кўлланмаганлари такдирда инсон хаёти ва саломатлигининг жиддий бир хавф остида бўлишилиги;
2. Унинг ўрнини боса оладиган халол бир дорининг йўклиги;

Бу дорини дин ва иймонига содик, ишончли мусулмон бир шифокорнинг тавсия килишилиги... Шу ўринда хаётий ва илмий далилларга асосланган холда шуни таъкидлаймизки: Бу харомлардан бирини дори сифатида фойдаланишга мажбур киладиган хеч бир тиббий зарурат мавжуд эмас. Факатгина биз бу харомларнинг бошка нарсалар бўлмаган жой ва минтакаларда яшайдиган мусулмонлар учун эхтиёт сифатида фатво хукмини бераяпмиз.

Юсуф Каразовийнинг “Исломда халол ва харом” китобидан

Абу Муслим тайёрларди